

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.14/30.12.2019.I.84.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**ЯРАШОВА ВАСИЛА КАМАЛОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
МАКРОИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**08.00.02 – «Макроиктисодиёт»**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Ярашова Васи́ла Камаловна**

Ўзбекистон транспорт тизимини ривожлантиришнинг  
макроиқтисодий жиҳатлари ..... 3

**Ярашова Васи́ла Камаловна**

Макроэкономические аспекты развития  
транспортной системы Узбекистана..... 37

**Yarashova Vasila Kamalovna**

Macroeconomic aspects of the development of the transport system of  
Uzbekistan ..... 71

**Список опубликованных работ**

Эълон қилинган ишлар рўйхати  
List of published works..... 76

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА  
КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.14/30.12.2019.I.84.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**ЯРАШОВА ВАСИЛА КАМАЛОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
МАКРОИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**08.00.02 – «Макроиқтисодиёт»**

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.3.DSc/Iqt87 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ifmr.uz](http://www.ifmr.uz)), "Ziynet" Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Ахмедов Турсун Мухитович,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ғуломов Саидахрор Саидахмедович**  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Хошимова Наима Абидовна**  
фан доктори (DSc), профессор

**Зоҳидов Азаматжон Аъзамович**  
фан доктори (DSc), профессор.

**Етақчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг илмий даражалар берувчи DSc.14/30.12.2019.1.84.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "9" 02 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100011, Тошкент ш., Хадра кўч., 33-А-уй. Тел.: +998-71-244-01-17, e-mail: [info@ifmr.uz](mailto:info@ifmr.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 31 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент ш., Хадра кўч., 33-А-уй. Тел.: +99871-244-01-17.

Диссертация автореферати 2022 йил "27" 01 кун тарқатилди.  
(2022 йил "27" 01 кун "3" рақамли реестр баённомаси).



**О.О.Олимжонов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари в.в.б, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Н.М.Расулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

**З.У.Бердиназаров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда замонавий транспорт тизими рақамлаштириш ва глобаллашув жараёнлари ҳамда иқтисодиётдаги чуқур таркибий силжишлар таъсири остида шаклланмоқда. Мамлакатларда иқтисодиётнинг ўсиши ички ва халқаро миқёсда юк оқимлари ҳажмини сезиларли даражада кўпайиши ҳисобига юз бермоқда. Сўнгги ўн йилликда жаҳон транспорт маршрутлари узунлигини 50 млн. километрдан ортиқ даражада барқарорлаштириш қайд этилган. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда “халқаро транспорт бозори 2,2 триллионга тенг баҳоланмоқда (ЯИМни 6,8%)”<sup>1</sup>. Дунёнинг аксарият мамлакатларида транспортни ЯИМда улуши 4 – 9 фоизни, аҳоли бандлигида 3 – 7 фоизни ташкил этади.

Охирги йилларда ривожланган ва ривожланаётган давлатларда макроиқтисодий омиллар таъсири остида юк ва йўловчилар ташиш ҳажмини ошиши, транспорт соҳасида хусусий секторнинг ўрнини ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. Шунингдек, иқтисодиётни мутаносиб ва динамик ривожлантиришда транспорт логистикасининг аҳамиятига алоҳида эътибор берилмоқда. Жаҳон илмий мактабларида транспортни ривожлантириш шартлари аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт, туризм ва бошқа ижтимоий йўналишлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганилмоқда. Транспорт тизимини ривожлантириш бўйича устувор тадқиқотлар асосан уни макроиқтисодий йўналишлар билан боғлаш, мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан алоқаларини аниқлаш, мамлакатни жаҳон транспорт тизимига улаш, транзит салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган.

Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожланиши унинг транспорт тизимига бевосита боғлиқ. 2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ўзбекистоннинг барқарор ўсишини таъминлаш бўйича қабул қилинган стратегияда иқтисодиётнинг ўсиши билан мутаносиб транспорт инфратузилмасини ривожлантириш кўзда тутилган.<sup>2</sup> Транспорт тизимининг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, ушбу соҳани давлат томонидан тартибга солишнинг аниқ тизими, мамлакатни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш муҳим вазифалар каторига киради.

Ушбу диссертация иши маълум даражада Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ва 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647 сонли “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ва 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-3422-сонли “2018-2022 йилларда транс-

<sup>1</sup> <https://data.worldbank.org/indicator/IS.AIR.GOOD.MT.K1>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони.

порт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юкларни ташиш, ташқи савдо йўналишларини диверсификация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва бошқа ушбу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишига хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технология тараққиётининг истиқбол йилларга мўлжалланган “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.** Транспортни ривожлантириш ва уни макрорежада тартибга солиш бўйича тадқиқот ишлари етакчи илмий марказлар, жумладан, АҚШни Транспорт сиёсати ва ривожланиш Институти, Буюк Британияни Дипломли Логистика ва транспорт институти, Италияни Флоренция Транспортни бошқариш мактаби, Испанияни Мадрид Политехника университети ва бошқа илмий мактаблар томонидан амалга оширилмоқда. Россиянинг Иқтисодий тараққиёт вазирлигининг Транспорт соҳасидаги комплекс муаммолар ва иқтисодий ҳамкорлик илмий маркази, Умумроссия темир йўл транспорти илмий-тадқиқот институти, Россия Фанлар академиясининг Транспорт муаммолари институти, Қозоғистоннинг Транспорт ва коммуникация академияси, Беларуссиянинг "Транстехника" транспорт илмий-тадқиқот институти ва бошқаларда транспортни ривожлантириш муаммолари бўйича кўплаб илмий натижалар олинган. Жумладан, Россиянинг Иқтисодий тараққиёт вазирлиги қошидаги Транспорт соҳасида комплекс муаммолар ва иқтисодий ҳамкорлик илмий марказида 2030 йилгача Россияда Транспорт стратегиясини амалга ошириш учун унинг ташкилий ва иқтисодий модели, аҳолига транспорт хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш, минтақалар бўйича транспорт-иқтисодий балансларни ишлаб чиқиш каби илмий лойиҳалар амалга оширилган. Москванинг Иқтисодиёт Олий мактабида Россиянинг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш, транспорт хавфсизлиги, геосиёсат ва транспорт муаммолари, темир йўл транспортини демонополизациялаш, юк ва йўловчи ташишларнинг таннарҳини ҳисоблаш, логистика инфратузилмасини моделлаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда транспорт муаммоларини ҳал қилишга қаратилган тадқиқотлар асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш маркази ва Тошкент Давлат Транспорт университети (ТДТУ) да амалга оширилган тадқиқотларда, асосан, алоҳида транспорт турларини ўзига хос йўналишлари ўрганилган бўлиб, транспорт тизимини ривожлантиришнинг макроиқтисодий жиҳатлари етарли даражада ўрганилмаган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хориж мамлакатларида иқтисодий ўсиш ва унга таъсир қилувчи омилларга иқтисодчи олимлар катта эъти-

бор қаратганлар, жумладан, Р.Солоу, Й.Шумпетер, Х.Домар, С.Фишер, В.Эстерли, А.Алесино, В.В.Леонтьев, Р.Барро, Д.Аджемоглу<sup>3</sup> Н.Minken, В.G. Rodrigue, J.Cao, E.L.Glaesera, G.A.M.Ponzetto, Kr.Odolinski, R.Eberts, T.Lakshmanan, W.Andersen<sup>4</sup> ва бошқа хорижий олимларнинг илмий ишлари транспортни молиялаштириш, ташиш хизматлари сифатини баҳолаш, ташишни оптимал схемаларини моделлаштириш муаммоларига бағишланган.

МДХ мамлакатларида транспорт тизимини ривожлантириш муаммолари А.П.Абрамов, Б.А.Аникин, И.В.Белов, А.М.Гаджинский, В.Д.Герामी, В.Г.Галабурда, Л.Б.Миротин, О.Ф.Мирошниченко, В.А.Персианов, С.М.Резер, Е.Д.Хануков, Б.И.Шафиркин<sup>5</sup> ва бошқа олимлар тадқиқотларида ёритилган. Транспортнинг макроиктисодий ўрни Б.М.Лapidус, Д.А.Мачерет, Ю.А.Щербанин, Г.А.Гольц, Л.В.Эйхлер, В.М.Никоноров ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда макроиктисодий барқарорлик ва иктисодий ўсиш масалалари Т.М.Ахмедов, З.У.Бердиназаров, А.У.Бурханов, С.С.Фулломов,

---

<sup>3</sup> Solow R. M. A Contribution to the Theory of Economic Growth // The Quarterly Journal of Economics. – 1956. – Февраль (vol. 70, № 1). – P. 65-94.; Шумпетер Й. Глава I. Маркс – пророк // Капитализм, Социализм и Демократия = Capitalism, Socialism and Democracy – М.: Экономика, 1996. – 540 с.; Domar E. D. The "Burden of the Debt" and the National Income // The American Economic Review – 1944. – Декабрь (т. 34, № 4). — С. 798—827.; Дорнбуш Р., Фишер С. Макроэкономика = Macroeconomics (1978). – М. : Изд-во Моск. ун-та : ИНФРА-М, 1997. –783 с.; Bruno M. Easterly W. Inflation Crises and and Rong–Run Grows. NBER Working Paper № 5209, 1995.; Alesina A. Designing Macroeconomic Policy for Europe (with Olivier Blanchard et al.), CEPR, London –1997.; Леонтьев В. Избранные произведения: в 3 т. / Науч. ред., вступ. статья А. Г. Гранберга – М.: Экономика, 2006-2007.; Barro R. J. Government Spending in a Simple Model of Endogenous Growth/NBER Working Paper No. 2588, May 1988.; Аджемоглу Д. Введение в теорию современного экономического роста / Пер. с англ = Introduction to Modern Economic Growth (2009). В 2 книгах. – М.: Издательский дом «Дело» РАНХиГС, 2018. 930+738 с.

<sup>4</sup> Harald Minken, Bjørn Gjerde Johansen. A logistics cost function with explicit transport costs. Economics of Transportation. Volume 19, 2019, Pages 1–13.; Jean–Paul Rodrigue. The Geography of Transport Systems. Fifth edition. (2020), New York: Routledge, 456 pages.; Jason Cao, Michael Iacono, David Levinson, Mengying Cui. The Impacts of Transportation Investment on Economic Growth in the Twin Cities. Humphrey School of Public Affairs University of Minnesota. 2016. 48 p.; Edward L.Glaesera, Giacomo A.M.Ponzetto. The political economy of transportation investment. Economics of Transportation. Volume 13, March 2018, Pages 4–26.; Lakshmanan T., Andersen W. Transportation Infrastructure, Freight Services Sector and Economic Growth. Center for Transportation Studies. Boston University. 2002; Odolinski K. Contract design and performance of railway maintenance: Effects of incentive intensity and performance incentive schemes. Economics of Transportation. 18, 2019.pp. 50–59.; Randall Eberts. Understanding the Impact of Transportation on Economic Development. Transportation in the New Millennium. Washington: Transportation Research Board, 2000; Lakshmanan T., Andersen W. Transportation Infrastructure, Freight Services Sector and Economic Growth. Center for Transportation Studies. Boston University. 2002.

<sup>5</sup> Абрамов А.П. Затраты железных дорог и цена перевозки. М., Транспорт, 1974. 256с.// Аникин Б.А. Логистика и управление цепями поставок. Теория и практика. Основы логистики: учебник – Москва: Проспект, 2015.; И.В. Белов, В.Г. Галабурда, В.Ф. Данилин и др. Экономика железнодорожного транспорта. М., 1989. – 344 с.; Гаджинский А. М. Логистика: Учебник для высших и средних специальных учебных заведений. – 2–е изд. – М.: Информационно-внедренческий центр "Маркетинг", 1999. – 228 с.; Герामी, В. Д. Управление транспортными системами. Транспортное обеспечение логистики : учебник и практикум для академического бакалавриата / В. Д. Герामी, А. В. Колик. – Москва : Издательство Юрайт, 2019. – 438 с.; Миротин Л. Б. Транспортная Логистика. –М.: Экзамен, 2002 – 506 с.; Мирошниченко О.Ф. Система управления экономическими результатами железнодорожных пассажирских перевозок. М.: Издательство МЭИ, 2002. – 304 с.; Персианов В.А., Федоров Л.С., Варнавский В.Г. Концессионный механизм управления на транспорте: Учебное пособие // М.: ГУ У, 2003.; Резер С.М., Прокофьева Т.А., Гончаренко С.С. Международные транспортные коридоры: Проблемы формирования и развития. – М.: ВМНИТИ РАН. 2010. – 432 с.; Хануков Е.Д. Транспорт и размещение производства. – М., Государственное транспортное железнодорожное издательство, 1955. – 412 с.; Шафиркин Б.И. Единая транспортная система СССР и взаимодействие различных видов транспорта. -М., Высшая школа,1983. -191с.

Д.М.Каримова, Н.М.Махмудов, Ф.Х.Назарова, О.О.Олимжонов, Н.А.Хошимова, С.В. Чепель, Л.И.Шибаршова<sup>6</sup> ва бошқалар томонидан ўрганилган. Транспорт соҳасини ривожлантиришнинг тармоқ ва тармоқ ичидаги муаммолари А.А.Зохидов, М.А.Икрамов, М.Н.Ирисбекова, А.С.Камалов, Э.А.Камалова, М.Б.Калонов, Я.Қ.Қарриева, Г.А.Саматов, К.Ў.Ўлжабоев<sup>7</sup> ва бошқалар ишларида кўрилган. Мазкур тадқиқотларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар шароитида транспорт тизимининг ривожланишини иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолашнинг илмий-услубий асослари ва амалиёти тўла ишлаб чиқилмаган. Соҳадаги муаммоларни ҳал қилишнинг макроиқтисодий жиҳатларига етарли даражада эътибор берилмаганлиги тадқиқот мавзусини танлашга асос бўлди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқ лиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-2017-0929549 рақамли “Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашга оид аҳолини турмуш даражасини кўтаришни узоқ муддатли стратегияси” илмий лойиҳаси доирасида бажарилган (2018 – 2020 йиллар).

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда транспорт тизимини ривожлантиришнинг макроиқтисодий жиҳатлари бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

---

<sup>6</sup>Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. Т.: Фан, 1992. – 80 с.; Бердиназаров З.У. Ўзбекистон Республикаси валюта сиёсати методологиясини такомиллаштириш. Иқтисод фан. д-ри дис.: Тошкент, 2018; Бурханов А.У. Инвестиция фондларининг молиявий хавфсизлигини таъминлаш. Илм-фан ва инновацион ривожланиш, №4, 2019, с.6–13; Гулямов С.С., А.М.Абдуллаев, А.У.Олимжонов Вақтли қаторларнинг статистик таҳлили ва мавсумий тебранишларини прогнозлаштириш/В.Тўраевнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Фан ва технология. 2016. – 284 б.; Каримова Д. М. Формирование механизма социальной стабильности в условиях перехода к рыночной экономике (на примере Республики Узбекистан) дис. ... д-ра экон. наук. Т., 2001г.; Махмудов Н. М. Ўзбекистон саноати: ривожланиш омиллари, тенденцияси ва муаммолари. Монография. Тошкент: Iqtisodiyot, 2017.; Олимжонов О.О. ва б. Ўзбекистон ҳудудлари мустақиллик йилларида. Т.: Шарк, 1996, 208 с.; Хашимова Н.А., Буранова М.А. Развитие интеллектуального потенциала залог успешной политики РУз // Интернаука: электрон. научн. журн. 2020. № 13(142); Чепель С.В. Тенденции и перспективы достижения устойчивого экономического роста/ Экономическое обозрение, №1 (11), 2000; Шибаршова Л.И. Развитие сферы почты и телекоммуникаций Республики Узбекистан в период рыночных преобразований (макроэкономические аспекты). дис. ... д-ра экон. наук. Т., 2000.

<sup>7</sup>Зохидов А.А. (DCs) Марказий осий транспорт тизимини самарали бошқариш механизмини такомиллаштириш. Иқтисод фан. д-ри дис.: Тошкент, 2018; Икрамов М.А. Развитие автомобильных перевозок по Великому шелковому пути // Экономическое возрождение России, №4, 2010. – С. 28–36; Ирисбекова М. Н. Маркетинг тамойиллари асосида транспорт хизматлари бозорини оптималлаштириш. Иқтисод фан. д-ри дис.: Тошкент, 2017.; Камалов А. С. Экономическая оценка качества эксплуатации автомобилей на международных маршрутах. Дис. ... канд. экон. наук. Ташкент, 2004.; Э.А.Камалова (PhD) Юқларни ташишнинг логистик бошқарувини такомиллаштириш: иқт. фан. фалс. док. дисс. автореф. ТДИУ, 2019. –62 б.; М.Б.Калонов (PhD) Автомобиль транспорти корхоналарида харажатлар ҳисобини такомиллаштириш: иқт. фан. фалс. док. дисс. автореф. ТМИ, 2017. –54 б.; Қарриева Я. К. Ўзбекистонни жаҳон бозорига чиқиши учун халқаро йўлақлардан самарали фойдаланишнинг логистик транспорт муаммолари дис. ... иқтисод фан. д-ри. Ташкент, 2004.; Саматов Г.А. Повышение эффективности функционирования регионального пассажирского автотранспортного комплекса: Автор. дисс. док. экон. наук, –М.: МАДИ, 1990. –39 с.; Ульджабаев К.У. Экономическая реформа на железнодорожном транспорте. Т.: Мехнат, 1999 – 303 с.



### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

транспорт тизимини ривожланишининг мамлакатнинг макроиктисодий кўрсаткичларига таъсирини илмий-услубий асосларини ўрганиш;

транспорт тизимининг ривожланишини таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштириш;

транспортни тартибга солиш ва ривожлантиришда жаҳон тажрибаси ва хорижий илмий мактабларни ЎзР шароитида тадбиқ этишни ўрганиш;

иктисодиётда транспорт юкламасини аниқлаш ва ташиш хизматларининг рақобатбардошлигини баҳолаш услубиятларини такомиллаштириш;

транспортни ривожлантириш стратегиясини услубий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш;

транспорт хизматлари бозорининг барқарор ривожланишини макроиктисодий хатарлари ва номутаносибликларини ўрганиш;

узоқ муддатли келажакда транспорт тараққиётини иқтисодий ўсиш билан боғланган сценарий вариантларини ишлаб чиқиш;

транспорт тизимини тартибга солиш механизмлари бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси транспорт тизими танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, Ўзбекистон Республикаси транспорт тизимини тартибга солиш ва унинг ривожланиши жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида иқтисодий ва статистик таҳлил усуллари, эксперт баҳолаш, қиёсий ва таркибий таҳлил, транспорт-иктисодий баланс ва иқтисодий-математик моделлаштириш, SWOT, STEP ва GAP-таҳлиллар, «харажатлар-маҳсулот ишлаб чиқариш» ва стратегик прогнозлаштиришнинг мақсадли дастурий ёндашувларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

транспорт тизимини устувор ривожлантиришни иқтисодиётни барқарор ўсишига таъсири транспортни ишончли ишлаши ва хизматлари сифатини ошириш, ташилаётган товарларни ишлаб чиқаришда транспорт юкламасини қисқартириш, мамлакат транзит салоҳиятидан фойдаланиш даражасини ошириш, ташишни экологик юкламасини пасайтириш мезонлари бўйича асосланган;

мамлакатнинг транспорт-географик жойлашувини ноқулайлиги, ташиш харажатларини юқорилиги, иқтисодиёт ва аҳоли сонини тез суръатларда ўсиши, келажакда интеграцион жараёнларни ва инновацион технологияларни тубдан ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда 2050 йилгача даврда Ўзбекистонни транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва модернизациялаш Бош схемасини ишлаб чиқиш таклиф этилган;

ишлаб чиқаришда транспорт харажатларини натурал ва қиймат шаклида ҳисобланган транспорт юкламаси асосида саноат маҳсулотларини паст, ўрта ва юқори гуруҳларга ажратган ҳолда инвестиция лойиҳаларини асослаш, уларни ҳудудларда жойлаштириш ва товарларни импорт қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

транспорт хизматлари рақобатбардошлигини баҳолаш услубияти ташиш учун кетган харажатлар қийматига қўшимча еттига йуналишда тўла булмаган ва сифати паст транспорт хизматидан келтирилган зиён қийматини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган;

мавжуд йўналишларни 330 км га қисқартириш, транзит ташишдан тушадиган даромадларни 2,5-3 мартага оширишга мўжалланган келажакдаги транспортни ривожлантириш Бош схемасига мувофиқ Қашғар – Ўш – Асака – Поп – Охангарон – Пахтакор – Конимех – Мискин йўналишида янги халқаро темир йўл йўлагини барпо этиш асосланган;

келажакда 2050-Бошсхемада кўзда тутилган тадбирларни амалга оширилиши туфайли, 2035 йилгача даврда иқтисодий ўсишдаги ўзгаришлар, транспорт юкмасини 2 марта камайтиришни ҳисобга олган ҳолда юк ва йўловчи айланмасининг прогноз параметрлари эконометрик ва сценарий моделлар бўйича ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

транспорт тизимини барқарор иқтисодий ривожланишга таъсири кўп-омилли таҳлил асосида аниқланган;

транспортни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш тартиби асослаб берилган;

транспорт бозорини барқарор ривожланишини таъминлашдаги муаммолар ва макроиқтисодий номутаносибликлар аниқланган;

транспорт хизматининг рақобатбардошлигини баҳолаш услубиёти таклиф этилган;

эконометрик ва сценарий моделлари асосида транспорт тизими тараққиётининг кўп вариантли прогнозлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертация ишининг натижалари ва хулосалари муаллиф томонидан танланган мавзу бўйича хорижий ва мамлакат илмий тадқиқотларини илмий-назарий умумлаштирилиши ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг маълумотлари ва бошқа расмий манбаларни таҳлил қилиш асосида транспорт тизими тараққиёти ва уни тартибга солиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилганлиги билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** шундаки, юк ва йўловчилар ташиш ҳолатини таҳлил қилиш ва умумлаштириш бўйича диссертацияда ишлаб чиқилган илмий-услубий ва амалий ёндашувлар Ўзбекистонда ва ривожланган мамлакатларда ташиш жараёнини тартибга солиш усуллари ва механизмларини такомиллаштириш бўйича йиғилган хулоса ва тавсиялар "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, "Uzbekistan Airways" АЖ, "Тошшаҳартрансхизмат" АЖда, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятида транспортни тартибга солиш механизми ва тараққиёти истиқболларини ишлаб чиқиш жараёнида қўллаши билан изоҳланади.

Мазкур ишда тўпланган транспорт логистикасини ривожлантириш кон-

цепцияси ва прогнозларидан транспорт соҳалари ўқув юртларида ва республиканинг бошқа олий ўқув юртларида “Макроиқтисодиёт”, “Рақамли иқтисодиёт”, “Транспорт иқтисодиёти”, “Логистика” бўйича ўқув режалари ва услубий тавсияларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Ушбу тадқиқот давомида олинган натижалар асосида қуйидагилар амалга оширилган:

транспорт тизимини устувор ривожлантиришни иқтисодиётни барқарор ўсишига таъсири транспортни ишончли ишлаши ва хизматлари сифатини кўтариш, ташилаётган товарларни ишлаб чиқаришда транспорт юкларини қисқартириш, мамлакат транзит салоҳиятидан фойдаланиш даражасини ошириш, ташишни экологик юкларини пасайтириш мезонлари бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2030 йилларда автомобил йўллари ривожлантириш Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорини (ID-20825) тайёрлашда фойдаланилган (Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йил 15 сентябрдаги 03-32/3454-сон маълумотномаси). Мазкур қарорни амалиётга тадбиқ этилиши Ўзбекистонни халқаро логистика самарадорлиги бўйича рейтингдаги ўрнини оширишга ёрдам беради, мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини транспорт тизимини ривожлантириш билан мувофиқлаштиришни таъминлайди;

2050 йилгача даврда Ўзбекистон транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва модернизациялаш Бош схемасини ишлаб чиқиш, уни амалга оширишнинг инновацион йўналишлари бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан юк ва йўловчиларни ташишда янги инновацион технологияни қўллашга қаратилган “Транспорт–2050: энергетика ва экология” лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йил 15 сентябрдаги 03-32/3454-сон маълумотномаси), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан “Транспорт тизимини 2030 йилгача даврда ривожлантириш Стратегияси” лойиҳасини ишлаб чиқишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 14 сентябрдаги 06/18-01-13/20-469-сон маълумотномаси). Ушбу Бош схемада кўрсатилган транспортни стратегик ривожланиш йўллари амалиётда қўллаш келажакда шаклланидиган талаб ва таклиф, рақамли технологиялар асосида транспорт тизимини нисбатдан тез суръатларда ривожлантириш, ички ва ташқи хавф-хатарларни олдини олиш имконини беради;

иқтисодиётда транспорт юкларини натурал ва қиймат шаклларида баҳолаш натижалари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2030 йилларда автомобил йўллари ривожлантириш Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорини (ID-20825) тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йил 15 сентябрдаги 03-32/3454-сон маълумотномаси). Ушбу ёндашувни амалиётга жорий этилиши

маҳсулотларнинг транспорт юкларидан келиб-чиқиб, ҳаражатларни оптималлаштиришга ва ишлаб чиқаришни тўғри жойлаштиришга хизмат қилади;

юк ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш услубиёти “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан бошқарув, инвестиция, инновация ва ижтимоий сиёсатини шакллантиришда “2020 йилгача ривожланишнинг стратегик режаларини” ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2020 йил 8 августда 04/2459-20-сон маълумотномаси). Мавжуд услубиёт темир йўл корхоналаридаги тизимли муаммолар, мавжуд тўсиқларни баҳолаш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини аниқлашга хизмат қилган. Натижада ўртача йилига меҳнат унумдорлигини 3,7 фоизга ошириш, юк ортиш ва тушириш ҳаражатларини 1,6 фоизга камайтиришга эришилган;

келажакда ривожлантириш керак бўлган янги транзит йўллари бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан “Транспорт коммуникацияларини модернизацияси (Генсхема 2050)” лойиҳани тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йил 15 сентябрдаги 03-32/3454-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалга оширилиши темир йўл ҳаражатларини 2,0 мартагача камайишига олиб келади;

2035 йилгача Ўзбекистонда транспорт тизимини ривожлантиришни кўп вариантли прогноз параметрлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан транспорт ва макроиқтисодиёт боғлиқни кўзда тутган ҳолда “2030 йилгача транспорт тизимини ривожлантириш Стратегияси” лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 14 сентябрдаги 06/18-01-13/20-469-сон маълумотномаси), Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан “Транспорт–2035: Сертификациялаш”, “Транспорт– 2035: Ахборот тизим”, “Транспорт–2035: Ижтимоий сиёсат” лойиҳаларида ишлатилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020 йил 15 сентябрдаги 03-32/3454-сон маълумотномаси). Ушбу прогноз параметрларини амалга оширилиши транспорт тизимини ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш билан мувозанатлаш, ялпи ички маҳсулотни барқарор ўсишини ва экспорт ҳажминини оширишни таъминлаш учун кенг имкон яратади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқотининг энг муҳим натижалари бўйича ҳисобот 7 та халқаро ва 6 та мамлакат миқёсида илмий-амалий анжуманларида баён қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси умумий 59 б.л. ҳажмдаги 38 та нашрда келтирилган, жумладан 3 та монография, 12 та илмий мақола ОАК тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 3 та иловалардан иборат. Илмий ишнинг ҳажми 221 бетни ташкил этди.

## ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНING МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, унинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, муаммони ўрганиш даражаси кўрсатилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, мақсади ва вазифалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, илмий ишни амалиётга тадбиқ этилиши, нашр этилган ишлар тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Макроиктисодий координатлар тизимида транспортнинг шаклланиши ва ривожланишини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда транспорт тизимининг шаклланиши ва ривожланишини тартибга солишнинг макроиктисодий жиҳатдан баҳолашнинг назарий асослари кўриб чиқилган, иқтисодиётни глобаллашув ва модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда транспорт тараққиётини ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган, хорижий тажриба умумлаштирилган.

Транспорт тизимини ривожлантириш каби мураккаб ва кўпқиррали муаммонинг ечимлари қуйидаги масалаларни ишлаб чиқишга боғлиқлиги асослаб берилган: мамлакат иқтисодиётини барқарор ўсишига транспорт омилининг таъсирини баҳолаш; транспорт тизимини келажакдаги истиқболнинг устувор йўналишларини асослаш; тизимда илмий-таълим соҳаларини шакллантириш; иқтисодиётнинг транспорт юқламаси ва ташиш хизматининг рақобатбардошлик индексини аниқлаш (1-расм). Шунингдек, ушбу ечимларнинг амалга ошириш механизмлари ва инструментларини, жумладан, иқтисодиётни тартибга солишнинг институционал меъёрлари ва қоидаларини янгилаш, амалдагиларни эса, қайта кўриб чиқиш талаб қилинади.

Ҳар қандай жамиятда транспорт ижтимоий меҳнат тақсимотини, ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ривожлантиришда, унинг таркибий тузилишини такомиллаштиришда ҳар доим муҳим роль ўйнаган. Унинг аҳамияти, айниқса, миллий иқтисодиётнинг барча турдаги интеграция муаммоларини ҳал қилишда, бозор муносабатларининг ривожланишини кучли омили ва товар айланиши жараёнида юк юборувчилар ва юк олувчилар ўртасида макрологистик алоқаларнинг муҳим боғловчи элементи сифатида аниқ намоён бўлади. Транспорт моддий ишлаб чиқаришнинг маҳсус ва мустақил соҳаси сифатида товар айланиши учун хизмат кўрсатади.

Транспорт инфратузилмасига киритилган инвестициялар товарларнинг якуний нархидаги транспорт таркибий қисмининг пасайишига олиб келади, минтақалар ўртасидаги иқтисодий мутаносиблик даражасини яхшилаш, уларнинг рақобатбардошлигини оширишда ва янги бозорларга чиқиши, ҳамда меҳнат миграцияси, ихтисослашув ва кооперациялаш муаммоларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Провардида бу иқтисодий барқарорлик ва ўсишга таъсир қилади. Транспорт харажатлари, улардан “қочиб қутулаолмайдиган иллат” сифатида, кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига ҳам таъсир қилади. ХВФнинг ҳисоб-китобларига кўра, логистика харажат-

ларининг дунё ЯИМдаги ўртача улуши 12 фоизни ташкил этган”<sup>8</sup>. Ушбу харажатлар Ўзбекистонни ЯИМи таркибида, муаллифнинг Давлат Статистика қўмитасининг 2019 йилга берган рақамларидан келиб чиқиб бажарган ҳисоб-китобларига кўра, 10,2 фоизни ташкил этди.

<b>Тадқиқотга услубий ёндашувлар</b>		
<b>Транспорт тизимини ривожлантириш омиллари ва шартлари</b>		
<b>Иқтисодий</b>	<b>Сиёсий</b>	<b>Ижтимоий</b>
<b>Технологик</b>	<b>Экологик</b>	
<b>Транспорт тизими тараққиётининг барқарор иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолашнинг асосий мезонлари</b>		
Говарлар ва йуловчиларни таъшишда минимал харажатлар билан максимал синергетик самара олиш	Минтақанинг транспорт-транзит салоҳиятидан фойдаланишни ошириш	
Транспортни ишончлилигини ошириш, кўрсатилаётган хизматининг сифатини кўтариш	Минтақада атроф-муҳитни транспортдан булғанишини камайтириш	Иқтисодиётнинг транспорт юкламасини қисқартириш
<b>Эконометрик таҳлил</b>		
Юк айланмаси ва киши бошига тўғри келадиган ЯИМнинг боғлиқлигини йилма-йил ўсиш суръатларининг корреляцион-регрессия модели	Автомобил транспорти юк айланмасини транспорт секторига ажратилган инвестициялар ва чакана савдо ҳажмига икки омилли AR(1) биринчи тартибдаги автокорреляцион боғлиқлиги	
<b>Амалга оширишнинг инструментлари</b>		
Ўзбекистон транспорт коммуникацияларини 2050 йилгача даврда ривожлантириш ва модернизациялаш Бош схемаси	Транспорт тизими тараққиётининг 2035 йилгача бўлган даврга стратегияси ва дастурлари	Транспорт логистикасининг амалдаги қонуний ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини ишлаб чиқиш
<b>Кутилаётган натижалар</b>		
Транспортнинг ривожланишини мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсиши билан мутаносиблиги	Жаҳон бозорида мамлакат транспорт тизимининг рақобатбардошлигини ошиши	Транспорт хизматлари бозори субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солишни такомиллаштириш
Транспорт инфраструктураси ва транспорт-логистик марказлар ва кластерларни жадал ривожлантириш	Ишлаб чиқариш объектларининг ресурслари ва чиқараётган маҳсулотларининг транспорт юкламасига қараб, оптимал жойлашиши	Транспорт ва логистика соҳаларида янги иш жойларини барпо этиш, соҳани ЯИМ ва экспортга кўшадиган ҳиссасини ошириш

**1-расм. Транспорт тизимини ривожлантиришнинг услубий ёндашувлари<sup>9</sup>**

<sup>8</sup><https://studme.org/41354/>. Логистические издержки в промышленно развитых странах и Российской Федерации /logistika/logisticheskie\_izderzhki\_promyshlennno\_razvityh\_stranah\_i\_rossiyskoy\_federatsii

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан тадқиқот асосида ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда ЯИМ таркибидаги кимё, тоғ-кон ва бошқа саноатнинг, шунингдек, кишлок хўжалигининг улуши юқори бўлганлиги сабабли, транспорт харажатлари хизматлар ишлаб чиқаришда ихтисослашган ёки ишлаб чиқариш саноатининг юқори технологик соҳалари кучли ривож топган мамлакатларга нисбатан баланд бўлиши муқаррар. Бу, бир томондан, мамлакатда транспорт инфратузилмасини етарли даражада яхши ривожланмаганлиги, транспорт хизматлари бозорининг монополлашуви натижасидир, бошқа томондан, бу – мамлакатнинг умумий ривожланиш даражаси ва унинг жаҳон иқтисодиётида ихтисослашувининг ўзига хос хусусиятларидир. Ушбу харажатларнинг улуши “Россияда 19 фоизни, АҚШда - 9,9 фоизни, Японияда – тахминан 9 фоизни ташкил этди”<sup>10</sup>.

Мамлакатнинг иқтисодий ўсишига транспорт омилининг таъсири кўплаб чет эл олимлари томонидан ўрганилган. Муаллиф ишлаб чиққан мезонлар юқоридагилардан бироз фарқ қилади (2-расм). Транспорт логистикасининг ривожланиш даражасини минтақаларнинг иқтисодий ўсишига таъсирини баҳолаш қуйидаги мезонларга мувофиқ амалга оширилиши мумкин:

1. *Товарлар ва йўловчиларни ташишда минимал харажатлар билан максимал синергетик самара олиши.* Юк ташиш соҳасидаги самара транспорт хизматининг сифати билан боғлиқ барча соҳаларда қўшилган қийматни ҳисобга олган ҳолда юк юборувчи, юкни олувчиларга ва умуман жамиятга тегишли йиғилган синергетик самара қуйидаги кўринишларда шаклланади: ҳаракат тезлигини ошириш эвазига оборотдаги товар захираларини камайиши; юк массаси миқдори ва сифатини сақланиши; техник, экологик ва ижтимоий хавфсизлик даражаларини ўсиши, шунингдек, йўл-йўлакай кўрсатилган логистика хизматларидан топилган даромадлар. Йўловчи ташиш соҳасидаги синергетик самара келажакда ички ва ташқи йўналишларда хизмат бозори географиясини кенгайтириш, тезюрар темир йўл йўналишларида ва автобус маршрутларида ҳамда юқори комфортга эга авиалинияларда йўловчилар ташиш ҳажмларини кўпайтириш, туристларга хизмат кўрсатувчи транспорт турларини жадал ривожлантириш, Тошкент шаҳри ва бошқа йирик шаҳарларда метрополитен, трамвай, троллейбус, электромобил ва шу каби **яшил** транспорт ҳаракатини кенгайтириш фойдаланувчилар учун атроф муҳитни ҳимоя қилиш билан бирга анчагина кўп бўш вақтни тежаш шаклидаги ютуқлар билан баҳоланади.

2. *Транспорт фаолиятини ишончлилигини ва ташиш хизматларининг сифатини яхшилаш* транспорт паркинни янада тежамкор, юқори тезликда ва қулай комфортга эга турлари билан тўлдириш, автомагистрал ва темир йўлларни такомиллаштириш, транспорт узелларида ҳар хил йўл йўналишларининг қулай кесимлари ва аэропортларда хаблар қуриш, замонавий логистика тамоиллари асосида барча транспорт турларида ташиш технологияларини такомиллаштиришни назарда тутати.

3. *Минтақанинг транспорт-транзит салоҳиятидан фойдаланиш даражасини ошириш.* Ушбу мезон транспортда ҳаракатларнинг ўтказиш қобилияти,

---

<sup>10</sup><https://studme.org/41354/>. Логистические издержки в промышленно развитых странах и Российской Федерации /logistika/logisticheskie\_izderzhki\_promyshlennno\_razvityh\_stranah\_i\_rossiyskoy\_federatsii

харакатланувчи таркибнинг унумдорлиги, унинг бекор туришини ва бўм-бўш юришини камайтириш, божхона жараёнларини унификациялашга қаратилган. Бунда, айниқса, транзит ташишларни интенсив ўсиши кутилаётган халқаро транспорт йўлак (ХТЙ)ларнинг миллий қисмларини шакллантириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади.

4. *Минтақада атроф-муҳитни транспортдан булганишини камайтириш.* Ушбу талаб транспорт соҳасидаги барча инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун зарур шарт сифатида кўрсатилган. Ҳар бир минтақада транспортни устувор йўналишларини танлашда қаттиқ ва газ шаклидаги чиқиндилар, шунингдек ташиш жараёнида транспортда ишлатиш муддатини ўтаб бўлган техник ресурсларни утилизация қилишда амалдаги қонуниятда ўрнатилган тартибда экологик меъёрларга қатъий амал қилиш талаб этилади.

5. *Иқтисодиётнинг транспорт юкмасини қисқартириш.* Маҳсулотнинг транспорт юкмасини ҳисоблаш услубидан минтақа ёки умуман мамлакат

<b>Транспортни ривожланишини иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолаш мезонини танлашнинг услубий ёндашувлари</b>		
<b>Чет эл олимларининг мезонларни асослашга услубий ёндашуви</b>	<b>Мезонларни асослашга муаллифнинг услубий ёндашуви</b>	<b>Мезонлардан фойдаланишдан 2035 йилга кутилаётган натижалар</b>
Юк ва йўловчиларни ташишнинг қиймати	Ташиш хизматини бажаришда камроқ сарфлаб, кўпроқ синергетик самара олиш	Логистика хизматлари доираси кенгайди (логистик аутсорсинг). Товарнинг қийматида ташиш харажатларининг улуши камаяди. Ташқи ва ички бозорларда унинг рақобатбардошлиги ошади
Транспортда меҳнат унумдорлиги	Транспортни ишончли ишлаши ва хизматлари сифатини кўтариш (унинг техник даражасини ошириш ҳисобига)	Транспорт-йўл шароитларини яхшилаш ҳисобига хусусий тадбиркорлик фаоллашади, янги иш жойлари барпо этилади. Минтақа корхоналарини ритмли ишлаши таъминланади. Меҳнат унумдорлиги йилига 1,5-2 фоизга ошади, аҳолининг реал даромади кўпаяди. Яшаш сифати кўтарилади
ЯИМда транспортни улуши	Маҳсулотнинг транспорт юкмасини қисқартириш	Йўловчи ташишда транспорт юкмаси 42 фоизга, юк ташишда – 30 фоизга қисқаради
Логистик харажатларни ЯИМдаги улушини баҳолаш. Минтақа транспортининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси	Мамлакатнинг транспорт-транзит салоҳиятидан фойдаланиш даражасини ошириш	Транспортдан фойдаланиш кўрсаткичлари яхшиланади. Оборотдаги моддий ресурслар ҳажми камаяди. Минтақа ЯҲМнинг ўсиш суръатлари ошади. Ўзбекистон орқали ўтадиган транзит юклар ҳажми 65-70 млн. тоннага етказилади
Транспортнинг ривожланишини мамлакатнинг иқтисодий ўсишига таъсирини баҳолаш ва таққослаш	Минтақанинг экологик юкмасини пасайтириш	Минтақаларда ТЙҲ камаяди. Транспортдан тушадиган зарарли чиқиндилар (1,5-2 мартага) камаяди, унинг умумий атроф муҳитни булғанишдаги улуши 35-40 фоизгача тушади

**2-расм. Транспортни ривожланишини иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолашнинг услубий ёндашувлари<sup>11</sup>**

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан тадқиқот асосида ишлаб чиқилган.



иқтисодиётининг ривожланишини таҳлил этиш ва башорат қилиш воситаси сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

Ривожланган мамлакатларда транспорт хизмати тизимини ташкил этиш ва молиялаштириш тажрибасини умумлаштирилиш ва Ўзбекистон шароитида қўллаш учун муаллифга қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди:

АҚШ темир йўл тизимида тарифни эркинлаштирилиши сабабли темир йўл компаниялари транспорт харажатларини камайтириш эвазига ташишдан олинган соф фойдани ва киритилган капиталнинг рентабеллик даражасини икки бараварга кўпайтиришди, бесамара буюртмани рад этиш билан бирга фойдаланилмаётган активларни ҳам камайтиришга имкон топилди;

бир қатор давлатлар ҳукуматлари жамоат транспортини бошқаришни марказсизлаштириш тўғрисида қонунлар қабул қилдилар, уларнинг асосий мақсади транспортда давлат монополиясини йўқ қилиш эди;

аксарият ривожланган мамлакатлар учун хос бўлган асосий хусусият – бу жамоат транспорти фаолиятини кенгайтириш, уни бошқариш ва молиялаштиришда худудий органларнинг ролини ошириш тенденциясидир.

Диссертацияни "Транспорт тизимини ривожлантиришни таҳлил ва башорат қилишнинг услубий ёндашувлари" деб номланган иккинчи бобида транспорт тизимини ривожлантиришни стратегик режалаштириш ва прогностлаштиришнинг услубий ёндашувлари баён этилган, транспорт юкламаси ва ташиш хизматларининг рақобатбардошлик индексини ҳисоблаш услубиятлари ишлаб чиқилган.



3-расм. Транспорт истиқболини стратегик режалаштириш модели<sup>12</sup>

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан тадқиқот асосида ишлаб чиқилган.

Транспорт тизимининг яхлитлиги ушбу соҳани бошқариш жараёнида унинг барча транспорт турларини ривожлантириш ва ишлашини мувозанатлашган ҳолда мувофиқлаштиришни, бюджет ресурсларини улар орасида оқилона тақсимлашни, шунингдек, транспорт хизматлари бозорида турли компаниялар ўртасидаги рақобатни тўғри тартибга солишнинг бир хил тамойиллар асосида бошқаришни назарда тутди. Макроиқтисодий самарадорликка эришиш учун транспорт тизимини ҳам, унинг ҳар бир алоҳида турини ҳам, бошқа транспорт турлари билан биргаликда ривожлантиришнинг аҳамиятини тўғри англаш муҳимдир. Шу мақсадда бир қатор қуйи қисмлардан ташкил топган транспорт тизимини ривожлантириш учун соҳани стратегик режалаштириш модели таклиф қилинган (3-расм).

Диссертацияда иқтисодийнинг транспорт юкмасини ( $Y_T$ ) ҳисоблаш усулбияти ишлаб чиқилган. Бунда ташиш юкмаси икки усулда аниқланади (4-расм): *Натурал шаклда* – юк айланмаси, йўловчи айланмаси ва келтирилган тоннакм ҳажмини ЯИМга ёки ЯХМга нисбатан ўлчашни назарда тутди.

а) юк ташиш бўйича  $Y_T = P_L \text{ткм}/\text{ЯИМ};$  (2.1)

б) йўловчи ташиш бўйича  $Y_T = P_L \text{пасс-км}/\text{ЯИМ};$  (2.2)

в) барча ташишлар бўйича  $Y_T = P_L \text{келт.ткм}/\text{ЯИМ};$  (2.3)

*Қиймат шаклидаги* ташиш юкмаси икки хилда ҳисобланади: (1) транспортда топилган ялпи қўшилган қиймат ( $Y_{KQ_T}$ )ни ЯИМга ёки ЯХМга нисбати:


мамлакат бўйича  $Y_T = Y_{KQ_T}/\text{ЯИМ};$  (2.4)

минтақа бўйича  $Y_T = Y_{KQ_T}/\text{ЯХМ};$  (2.5)

(2) провард истеъмолчига етказиб берилган товар нархида ( $P_{\text{ит}}$ ) транспортга тегишли қисми ( $d_{\text{тр}}$ ):

$$Y_T = d_{\text{тр}}/P_{\text{ит}} . \quad (2.6)$$

Транспорт юкмаси, келтирилган ткм, юк айланмаси ткм, йўловчи айланмаси пасс-км/ВВП в \$US



4-расм. 2000-2020 йилларда Ўзбекистон ЯИМда транспорт юкмасининг динамикаси<sup>13</sup>

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika> маълумотлари асосида тузилган.

Мустақиллик даврида мамлакатда юк ташишда транспорт юкламаси 3 бараварга камайган бўлсада, ривожланган мамлакатлар билан таққослаганда, у ҳали ҳам юқори бўлиб қолмоқда. Шимолий Америкада бу кўрсаткич (ткм/JDP,\$US) -1,3, Ғарбий Европада - 0,3, Японияда - 0,4, Россияда - 5,3 га тенг<sup>14</sup>. Диссертация ишида Давлат Статистика қўмитасининг 2018 йил учун товарлар ва хизматлардан фойдаланиш бўйича маълумоти асосида ташиш хизмати ҳажми ҳар бир фаолият тури учун ҳисоблаб чиқилган ва паст (А), ўрта (Б) ва юқори (В) гуруҳ даражаларига бўлинган (1-жадвал). Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари, хом нефт ва газ, металлургия саноати транспорт юкламасининг А гуруҳига эга. Б гуруҳга тўқимачилик, қоғоз, фармацевтика ва бошқа маҳсулотлар киради. В гуруҳи тоғ-кон саноатидаги техник хизматлар, кўмир ва лигнит қазиб олиш, транспорт воситаларини ишлаб чиқариш, улгуржи ва чакана савдо, автомобил ва мотоцикл савдоси бундан мустасно, қурилиш ва бошқа соҳалардан иборат. Агар транспорт тизимини лиқлигини таҳлил қилиш учун амалий натижаларни олиш зарурати бўлса, унда таҳлилнинг ягона ишончли усули – ишлаб чиқаришнинг ички тузилиши (технологияси)ни, шунингдек, ресурслар ва тайёр маҳсулотлар ўртасидаги боғ-

1-жадвал

**Миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари фаолият турларини транспорт юкламаси даражаси бўйича гуруҳлаш<sup>15</sup>**

<b>А. Паст транспорт юкламасига эга тармоқлар (1 фойзгача)</b>	<b>Б. Ўртача транспорт юкламасига эга тармоқлар (1дан 2 фойзгача)</b>	<b>В.Юқори транспорт юкламасига эга тармоқлар (2 фойздан кўп)</b>
Дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва шу доирада хизмат кўрсатиш (0,3); Нефт и табиий газ қазиб олиш (0,37); Озиқ овқат ишлаб чиқариш (0,38); Кийим-кечак ишлаб чиқариш (0,14); Кокс и нефтепродукт чиқариш (0,54); Химия маҳс. ишлаб чиқариш (0,54); Металлургия саноати (0,48); Электр жиҳозлари ишлаб чиқариш (0,28); Мебел ишлаб чиқариш (0,2); Электротаъминот, газ, буғ и кондендат хаво етказиб бериш (0,34); Тамаки маҳсулотлари (0,79); Текстил маҳсулотлари(0,58); Нашр ва ёзиб олинган материалларни ижро этиш (0,66); Асосий формацевтик маҳсулотлар ва препаратлар (0,61); Бошқа транспорт жиҳозларини ишлаб чиқариш (0,71); Бошқа маҳсулот ишлаб чиқариш (0,22)	Қоғоз ва қоғоз маҳсулоти ишлаб чиқариш (1,05); Балиқчилик ва аквамаданият (1,37); Металл рудаларини қазиб олиш (1,3); Бошқа тоғкон саноати (1,36); Машина ва жиҳозларни монтаж қилиш ва таъмирлаш (1,23); Ичимликлар ишлаб чиқариш (1,89); Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш (1,49); Нашр фаолияти (1,45); Бошқа хизматлар (1,48)	Кўмир ва лигнит қазиб олиш (2,23); Тоғкон қазиб саноатида техник хизматлар кўрсатиш (4,05); Автотранспорт воситаларини, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш (2,41); Чиқиндиларни йиғиш, қайта ишлаш, чиқариб ташлаш, утилизация қилиш (2,62); Қурилиш (2,56); Улгуржи савдо, автомобил ва мотоциклларни сотишдан ташқари (2,91); Чакана савдо, автомобил ва мотоциклларни сотишдан ташқари (5,61)

<sup>14</sup> Национальная экономика. Учебник для ВУЗОВ. 2-е изд. М.:Юрайт. 2020, с.41

<sup>15</sup> Муаллиф томонидан ЎЗР Давлат Статистика қўмитаси рақамлари асосида ҳисобланган. Кириш ва чиқиш ҳисоботи. 2018 йил.

ликликларни тавсифлашга имкон берадиган модел – В.Леонтъевнинг “кириш-чиқиш” классик модели ҳисобланади.

Ташиш хизматларига бўлган якуний талабнинг ўсишини саноат маҳсулоти, ЯИМ, ҳамда бандлик ва бошқа муҳим микро ва макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсири орқали баҳолаш мумкин. Унда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва харажатларнинг боғлиқлигини аниқлайдиган технологияларнинг энг муҳим хусусиятлари – ишлаб чиқариш ресурслари ва харажатларнинг тўғридан тўғри технологик коэффицентлари ҳисобланади. Минтақаларни транспорт хизмати билан таъминланишини яхшилаш учун янги ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва мавжуд қувватларни кенгайтиришда уларнинг транспорт юк-ламасини ҳисобга олиш тавсия этилади.

Диссертация муаллифи ишлаб чиққан транспорт хизматларининг рақобатбардошлик индексини ( $Y_k$ ) ҳисоблаш услубияти В.А.Зейтгамлнинг GАР-моделини қўллаган ҳолда рақобатни яхшилаш учун белгиланган етгита сифат кўрсаткичлари бўйича эришилган натижаларини (P) ташишга кетган харажатлар ( $C_T$ ) билан бирга тўлиқ бўлмаган ва паст сифатда ташишдан бозордаги субъектларга етказилган зиённи ( $C_{кўш}$ ) ҳисобга олган ҳолда, барча сарф-харажатларга нисбати кўринишида ишлаб чиқилган (2-жадвал). Жадвалда

2-жадвал

Транспорт хизматларининг рақобатбардошлигини ҳисоблаш услубияти<sup>16</sup>

№ т/р	Хизматларни рақобатбардошлик кўрсаткичи	Кўрсаткич и ҳисоблаш формуласи	Рақобат бардошлик балли	Тўла бўлмаган ва сифати паст транспорт хизматидан келтирилган зиён таснифи
1	Хизматни тўлалиги ва ҳамма бошлиги, бирни улуши ( $k_1$ )	$k_1 = \Pi_{\phi} / \Pi_{\text{талб}}$	$P_1$	Тўла бўлмаган кўрсатилган хизмат зиёни ( $C_1$ )
2	Мижозга маълумот хизмати даражаси, бирни улуши ( $k_2$ )	$k_2 = \sum_T a_j^{\phi} / \sum_T a_j^H$	$P_2$	Мижозларга тўла бўлмаган маълумот хизмати зиёни ( $C_2$ )
3	Транспортни ишончилиги ва ритмчилиги, бирни улуши ( $k_3$ )	$k_3 = (n_{\text{ум}} - n_{\text{рч}}) / n_{\text{ум}}$	$P_3$	Ишончсизлик транспорт хизматларидан зиён ( $C_3$ )
4	Ташиш муддати, бирни улуши ( $k_4$ )	$k_4 = T_m^{\phi} / T_m^H$	$P_4$	Ташиш муддатини чўзилишидан зиён ( $C_4$ )
5	Юкларни сақланиш даражаси, бирни улуши ( $k_5$ )	$k_5 = 1 - P_H$	$P_5$	Юкларни тўла сақланмаганлигидан зиён ( $C_5$ )
6	Ташишларни хавфсизлиги, бирни улуши ( $k_6$ )	$k_6 = N_{\text{тб}}^{\phi} / n_{\text{об}}$	$P_6$	Харакат хавфсизлиги талабларига риё этмаслик зиёни ( $C_6$ )
7	Ташишни экологиклиги, бирни улуши ( $k_7$ )	$k_7 = B_{\phi} / B_H$	$P_7$	Худудни экологик ҳолатига етказилган зиён ( $C_7$ )
	Жами баллар		$\sum_T P$	
8	Ташиш қиймати, кўшимча харажатлар билан ( $C$ )	$C = C_T + C_{кўш}$	$C$	Жами зиён $C_{кўш} = C_1 + C_2 + C_3 + C_4 + C_5 + C_6 + C_7$
	Хизматларни рақобатбардошлик индекси ( $Y_k$ )	$Y_k = \sum_T P / C$		

фойдаланган шартли белгилар:  $\Pi_{\phi}, \Pi_{\text{талб}}$  – транспортни амалда ва талаб бўйича ташиш қобиляти, бирлик,  $n_{\text{рч}}$  – йил бўйича транспорт воситалари

<sup>16</sup> Муаллиф томонидан тадқиқот асосида ишлаб чиқилган.

ҳаракатлар жадвалидан чиқиб кетиши сони, бирлик;  $n_{ym}$  – йил мобайнида режалаштирилган маршрутларда ҳаракатлар сони, бирлик;  $a_{jф}$ ,  $a_{jн}$  – миждозларни амалда ва меъёр бўйича транспорт хизматини маълумотлар билан таъминланганлик даражаси, бирни улуши;  $j = 1, \dots, z$ .  $J$  ва  $z$  – транспорт хизматига бериладиган маълумотлар тури ва сони, бирлик;  $N_{тх}^{\phi}$  – хавфсизлик қоидаларига амал қилмаган рейслар сони, бирлик;  $P_n$  – амалда юкларни ташиш жараёнида камайиши, бирни улуши;  $T_{мф}$ ,  $T_{мн}$  – юкларни дастлабки темир йўл станциясигача олиб келиш ҳамда кейинги станциядан то юк олувчининг манзилига етказиб беришга амалдаги ва меъёр бўйича ташишга кетган вақт, с;  $V_{ф}$ ,  $V_n$  – йил мобайнида транспортдан амалда ва меъёр бўйича ташланган чиқиндилар, т.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, автоташувчи 25 тоннали MAN автопоездида юкни нисбатан қисқа масофалар (100-150 км)га ташиганда, унинг рақобатбардошлик индекси юк вагонда ташишдан кўра юқори. Айни пайтда, юкларни узоқ масофаларга (масалан, Тошкент-Ургенч йўналишида) ташишда темир йўл транспортининг позициялари афзалроқдир. Йўловчилар ва алоҳида юкларни маълум йўналишларда ташишни ҳисоблаш натижалари темир йўл корхоналарида синовдан ўтказилди ва матбуотда батафсил ёритилган.<sup>17</sup>

Транспорт тизимини барқарор ишлаши учун, энг аввало, монополияга қарши курашни тартибга солишни такомиллаштириш ва рақобатли бозор секторида нархларни тартибга солишдан эркин нархлар тизимига босқичма-босқич ўтиш зарур. Бу темир йўл транспорти учун жуда муҳимдир, чунки унинг мутлақо табиий монопол мавқеи тўғрисида турли фикрлар билдирилган. Жаҳон амалиётида маълумки, масалан, АҚШда деярли барча темир йўл компаниялари хусусийдир (уларнинг сони 560 дан ортиқ). Президент Ш. Мирзиёев 2020 йил 25 январда Олий Мажлисга Мурожаатида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: "Темир йўл соҳасида йўловчилар ва юкларни ташишни, эксплуатация ва техник хизмат кўрсатишни аниқ чегаралаш, яъни табиий монопол қисмни ажратиш ва хусусий секторни жалб қилиш мумкин бўлган йўналишларни алоҳида ривожлантириш керак"<sup>18</sup>.

Ислоҳотларни ҳозирги босқичида бутун логистика занжири бўйлаб юк ташиш жараёнини тўғри ташкил этиш учун хизматлар турини кенгайтиришга қаратилган барқарор талаб шаклланмоқда, яъни "эшикдан эшиккача" ташиш жараёни билан бирга божхона ишлови, юкларни суғурталаш, саралаш, қадоқлаш, саклаш, қўриқлаш ва бошқа шу каби логистик операциялар бажарилмоқда, савдо-сотик ва юк ташиш тизимини логистик хизмати билан таъминлашни янги элементлари пайдо бўлмоқда. Шунингдек ахборот технологиялари ҳамда юк ташишнинг замонавий тизимларидан самарали фойдаланиш механизмини яратиш ва ҳудудларда кўп тармоқли транспорт инфратузил-

---

К.У.Ульджабаев, В.К.Ярашова Стратегическое планирование развития железнодорожных пассажирских перевозок. Т., «Extremum-Press», 2013. 344 с.; К.У.Ульджабаев, В.К.Ярашова Долгосрочное планирование развития железнодорожных грузовых перевозок. Т., «Extremum-Press», 2016. 216 с.

<sup>18</sup> 2020 йил 25 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

маси комплекслари ва хабларни шакллантириш бўйича кенг камровли чоратадбирлар кўрилмоқда.

Давлатнинг транспорт сиёсати ташиш хизматлари бозорида рақобатли муҳитни шакллантиришни энг самарали йўлларини белгилаш, транспорт компанияларининг хизматларини жозибадорлиги ва рақобатбардошлигини кўтариш учун керакли шарт-шароитларни яратишга қаратилмоғи лозим. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг логистика самарадорлиги рейтинги (LPI) ривожланган давлатлар билан таққослаганда жуда катта фарқ мавжуд: 2010 йилдаги 68-ўриндан 2018 йилдаги 99-ўрингача. Рейтингнинг бутун даврида нисбатан юқори кўрсаткичлар «Товарларни етказиб бериш муддатига мувофиқлиги» ва «Товарларнинг ўтишини кузатиш» субиндексларида кузатилмоқда. Аммо қолган бошқа субиндекслар бўйича – анча орқадамиз. Ҳозирги вақтда чегараларда товарларни назорат қилишни амалга ошириш шартларини уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро Конвенцияни фаоллаштиришни амалга ошириш зарурати мавжуд. Шунинг билан бирга МДҲ келишувида кўзда тутилган транспорт воситаларининг вазнини ўлчаш бўйича халқаро сертификатни жорий этиш тартибини тўлдириш, "Яшил карта" суғурта полиси эгаларининг халқаро суғурта тизимида кўшилиш масалаларининг долзарблиги тобора ортиб бормоқда. Айниқса "Божхона ишловининг самарадорлиги" жуда паст. Минтақадаги божхона хизматларига рискларни бошқариш асосида "танлаб, назоратдан ўтказишда "олдиндан хабар бериш" ва "яшил йўлак"нинг энг янги шакллари ва услублари, ҳамда "ягона дарча" тизимини жорий этиш билан бирга божхона транзитининг ягона тартибини қабул қилиш тавсия этилади. Ўзбекистонни LPI индекси бўйича рейтингини ошириш ва шу билан уни жаҳон транспорт-логистика тизимида тенг ҳуқуқли аъзо бўлиши учун муаллиф томонидан керакли тавсиялар берилди.

Денгиз йўлига рақобат муҳитни яратиш учун темир йўл транспорти орқали Буюк Ипак йўли бўйлаб юкларни ташиш тарифларини пасайтириш керак. Ҳозирги кунда Хитойдан денгиз орқали Ғарбий Европага, экспертларнинг фикрига кўра, йилига тахминан 12-14 млн. контейнер ташилади, худди шу йўналишда қуруқликдаги юклар атиги бир неча юз минг контейнерни ташкил қилади. Ушбу имтиёзнинг асосий сабаби денгиз йўлида юк ташиш нархларининг пастлигидир. Юкларни денгиз йўли билан ташишга 40-45 кун керак бўлса, янги "Ипак йўли" бўйлаб ташиш учун тахминан 10-15 кунни ташкил этади<sup>19</sup>. Ривожланган мамлакатларда логистика тизимларидан фойдаланиш эвазига транспорт харажатлари 7-20 фоизга, юк ортиш ва тушириш операциялари, моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотларни сақлаш харажатлари 15-30 фоизга камаяди, умумий логистика харажатлари – 12-35 фоизга, моддий ресурсларнинг айланиши 20-40 фоизга тезлашади, моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотлар захиралари 50-200 фоизга камаяди<sup>20</sup>.

Самарали рақобатбардош транспорт тизимини яратиш учун, диссертантининг фикрича, қуйидаги бешта асосий компонентларни барпо этиш талаб

<sup>19</sup> Бобрин П.П. Себестоимость перевозок... Экономические стратегии. 2018, №8, с.72–75.

<sup>20</sup>Сергеев В.И. Логистика в бизнесе: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2001.

қилинади: (1) транспорт хизматларини бажара олиш қобилиятини ташишга бўлган талаб даражасидан ортиқроқ бўлиши учун керакли шароитларни яратиш; (2) юқори самарали ва хавфсиз транспорт хизматларини кўрсата олиш даражасидаги транспорт воситалари ва инфраструктураси; (3) логистика тизимларига асосланган юқори сифатли транспорт хизматлари; (4) транспортни тартибга солишнинг замонавий меъёрлари ва қоидалари; (5) транспорт-йўл хўжалигини ишлатиш, таъмирлаш ва ташишни бошқариш соҳасида юқори малакали кадрлар тизимини яратиш.

Диссертациянинг “**Транспорт тизимининг барқарор ишлаш ҳолати ва муаммолари**” деб номланган учинчи бобда транспорт тизимини ривожлантиришдаги таркибий ўзгаришлар кўриб чиқилиб, уларнинг иқтисодиётнинг барқарорлигига таъсири таҳлил қилинган, минтакаларда транспорт-логистика тизимини шакллантириш ва ривожлантиришнинг макроиқтисодий ва интегратив жиҳатлари баҳоланди, транспорт тизимини барқарор ишлаши шартлари ишлаб чиқилган.

Ҳар қандай давлатни транспорт-йўл тармоқлари билан таъминланганлик даражаси у ерда транспорт тармоқларининг зичлиги қандай, иқтисодиёт қанчалик ривож топганлиги, масалан, ЯИМ (В), аҳолиси (N), эгаллаган ҳудуди (S) ва бошқа омилларга боғлиқ. Шу билан бирга давлатни бирнеча транспорт тармоқлари (интеграл  $L_{ин}$ ) билан таъминланганлиги ( $L_{ин}^3/\sqrt{NSB}$ ) қаралганда, нисбатан бошқача ҳолатни кўриш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Алоҳида давлатларнинг транспорт тармоғи билан таъминланганлик даражаси<sup>21</sup>

Давлатлар	Худуди, минг. кв. км, (S)	Аҳоли сони, минг киши (N)	ЯИМ (ИПС), \$US млрд (В)	Ўртача кўпайтма $\sqrt[3]{NSB}$	Трансп. тармоғининг узунлиги, минг км			Транспорт тармоғининг ўртача зичлиги, км		
					темир йўллар ( $L_{жл}$ )	авто-йўллар ( $L_A$ )	интегр. трансп. тармоғи $L_{ин} = L_{жл} + 0,1L_A$	темир йўллар ( $L_{жл}/S$ )	авто йўллар ( $L_A/S$ )	интегр. трансп. тармоғи ( $L_{ин}^3/\sqrt{NSB}$ )
Ўзбекистон	447,4	33581	235	15227	6,5	183,5	24,85	14,5	410,1	1,63
Козоғистон	2717,3	18777	487,9	29199	16,6	168,7	33,5	6,1	62,1	1,15
Туркменистон	488,1	6031	112,76	6924	3,6	55,6	9,2	7,4	113,9	1,32
Қирғизистон	198,5	6524	33,9	3528	0,4	18,5	2,3	2,0	93,2	0,64
Тожикистон	143,1	9538	31,5	3503	0,6	27,8	3,4	4,2	194,3	0,96
Россия	17075,4	145934	3968,2	214638	86,6	1542,2	240,8	5,1	90,0	1,12
Хитой	9597,0	1439324	22527	677635	124	5012,5	625,3	12,9	522,3	0,92
Ҳиндистон	3287,6	1380004	9229,2	347249	67,4	5903,3	657,7	20,5	1795,6	1,89
Эрон	1648,0	83992	1491	59096	12,3	214,0	33,7	7,5	129,8	0,57
Турция	780,6	84339	2350	53683	12	236,6	35,7	15,4	303,1	0,66
Япония	377,8	126476	5231,1	62994	27,3	1280	155,3	72,2	3387,7	2,47
БуюкБритания	244,1	67886	3121,1	37258	17,7	397	57,4	72,5	1626,4	1,54
Франция	547,0	65274	3097,1	47999	29,9	1090,2	138,9	54,7	1992,9	2,89
Германия	357,0	83784	4473,8	51150	43,5	644,5	107,9	121,8	1805,2	2,11
Италия	301,2	60462	2557,4	35980	24,2	487,7	73,0	80,34	1619,0	2,03
Испания	504,8	46755	1924,7	35681	15,9	683,2	84,2	31,5	1353,5	2,36
АҚШ	9372,6	331003	20575	399649	257,7	7150	329,2	27,5	762,9	2,43

<sup>21</sup> Муаллиф томонидан [https://ru.wikipedia.org/wiki/2019\\_йилда\\_берилган\\_маълумотлар\\_асосида\\_тузилган](https://ru.wikipedia.org/wiki/2019_йилда_берилган_маълумотлар_асосида_тузилган).

Макроиктисодий кўрсаткичлар тизимида транспортни ривожланиш тенденцияси<sup>22</sup>

Кўрсаткичлар	Улч.б ирл.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Ташиш ва сақлаш сферасида ЯҚҚ	трлн сум	6,09	7,85	9,87	14,61	17,0	19,2	21,1	25,3	30,6	36,6	38,5
Шуни ЯИМда улуши	%	9,4	9,2	9,3	9,5	8,9	8,2	7,6	7,3	6,5	6,1	6,9
Ташиш ва сақлаш сфераси асосий фондлари	трлн сум	13,6	17,4	22,0	23,8	28,3	34,3	38,5	45,5	62,9	76,0	87,0
Шуни умумий асосий фондга нисбати	%	15,8	16,9	17,8	17,7	18,4	17,4	16,6	16,7	9,9	10,0	10,2
Транспорт сферасига инвестициялар	трлн сум	3,52	2,85	3,4	4,35	4,2	3,74	5,78	6,37	8,49	14,05	14,1
Уни ЯИМга нисбати	%	5,66	3,62	3,3	3,60	2,9	2,18	2,9	2,11	2,08	2,74	2,33
Ташиш ва сақлаш сферасида бандлик	минг киши	164	163,7	159,1	189,6	174,4	176,3	175,2	198,3	209,0	228,2	210,2
Уни умумбандликка нисбати	%	4,4	4,4	4,5	4,6	4,6	4,7	4,8	4,6	4,7	5,3	4,3
Транспорт хизматлари хажми	трлн сум	10,5	13,6	16,5	18,3	21,6	26,8	30,6	36,2	44,2	54,5	53,7
Шуни умум хизмат хажмига нисбати	%	38,8	44,2	37,2	36,5	35	34,1	31,5	30,5	29,3	28,1	24,4
Юк айланмаси	млрд ткм	60,4	62,6	66,4	65,8	66,2	65,8	65,3	66,9	71,3	72,6	66,9
Йиллик ўсиш суръати	%	-12,4	3,6	6,1	-0,04	0,6	-0,4	-0,07	2,45	6,4	2,2	-7,9
Йўловчи айланмаси	млрд пасс-км	83,8	92,4	100,2	106,9	113,2	120,1	126	130	135,3	140,1	118,3
Йиллик ўсиш суръати	%	19,2	10,3	8,4	6,7	5,6	6,1	4,9	3,2	4,1	4,1	-15,6

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ташқи савдо операцияларида транспорт хизматлари улушининг ўсиш тенденциялари мавжуд (5-жадвал). Шу билан бирга, хизматлар экспортида қувур ва ҳаво транспортининг ўрни кўпроқ, хизматлар импортида эса, темир йўллар, автомобил транспорти ва бошқа кўрсатилган қўшимча логистик хизматларнинг улуши сезиларли даражада юқорирокдир.

Мамлакатнинг юк айланмаси – бу ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишини динамик мониторинги кўрсаткичидир. Бу ерда маҳсулот ҳажмининг кўпайиши транспорт оқимининг ўсишига олиб келади ва маҳсулот миқдори камайса, ишлаб чиқаришни транспортга бўлган талаби пасаяди. Мамлакат ЯИМ ва умумий юк айланмаси ўртасидаги тренд доимо кучли корреляцион алоқаларга эга бўлавермайди (5-расм). ЯИМ ва йўловчи айланмаси ўртасидаги маълум даражадаги боғлиқлик, бироқ вақт оралиғида бўлсада, мавжудлиги кузатилган.

Мамлакатда барча транспорт турлари бўйича йўловчилар айланмаси 2019 йилда 2010 йилга нисбатан 84,2 фоизга ўсди, ҳаво (89,6%) ва автомобил (85,9%) транспортида йўловчилар ташишни сезиларли ўсиши кузатилди (5-расм). Ўтган йиллар давомида темир йўлларда юқори тезликда ҳаракатла-


<sup>22</sup> Муаллиф томонидан Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.  
<https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika>



Ўзбекистонда хизматлар экспорти ва импортида транспортнинг улуши, фоизлар<sup>23</sup>


Харажатлар банди	Хизматлар экспортида			Хизматлар импортида		
	2016 й.	2018 й.	2020 й.	2016 й.	2018 й.	2020 й.
Транспорт хизматлари	44,1	55	71	10,7	17,1	13,2
Шу жумладан:						
- темир йўллар	11	12,5	28,9	1,7	3,9	2,0
- автотранспорт	0,3	0,4	1,4	7,9	0,5	0,8
- кувур транспорти	17,2	21,1	28,7	-	-	-
- сув транспорти	15,3	18,5	10,2	0,8	-	-
- авиатранспорт	0,3	2,5	1,8	0,3	0,4	0,3
- бошқа қўшимча ва ёрдамчи транспорт ва логистик хизматлар	-	-	-	-	12,3	10,1

## Ўсиш суръатлари, %



5-расм. Ўзбекистонда йўловчилар айланмаси ва ЯИМни ўсиш суръатлари динамикаси<sup>24</sup> ниш йўналишларида йўловчилар ташиш ҳажмининг ошиши йўловчи айланмасини 52 фоизга ўсишига таъсир қилди. Аммо 2020 йилда, пандемия сабабли, унинг ўртача ўсиш суръати кескин қисқарди, айниқса, ҳаво (3,7 мартага) ва темир йўл транспортида (2,4 мартага).

## Ўсиш суръатлари, %

6-расм. Ўзбекистонда юк айланмаси ва ЯИМни ўсиш суръатлари динамикаси<sup>25</sup>

2010-2020 йилларда юк айланмаси динамикасида автомобил транспортида интенсив ўсиш (79 фоизга), кувур транспортида эса пасайиш (7 фоизга)

<sup>23</sup> Муаллиф томонидан Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.  
<https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika>

<sup>24</sup> Муаллиф томонидан Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.  
<https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika>

<sup>25</sup> Муаллиф томонидан Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.  
<https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika>

кузатилган (6-расм). Ана шу йилларда юк айланмасининг секин суръатларда (темир йўлларда 5,8 фоизга ва ҳаво транспортида 29 фоизга) ўсиши ташишнинг ўртача масофасини ўзгаришига боғлиқ.

Транспорт соҳасида ҳал этилмасдан тўпланиб қолган қуйидаги **муаммолар, тизимли хатарлар ва номутаносибликлар** транспорт комплексини барқарор ва ишончли ишлашига тўсқинлик қилмоқда:

Ушбу соҳадаги юқори даражадаги монополлашув юк ва йўловчи ташиш бозорларида транспорт компанияларининг самарали ишлаши учун ўта муҳим бўлган тўлақонли рақобат муносабатларини ўрнатишга имкон бермайди. Мамлакатда жаҳон амалиётида кенг тарқалган прогрессив корпоратив бошқарув шаклидаги турли хил транспорт компаниялари фаолиятини мувофиқлаштириш тажрибасидан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Республикада Транспорт вазирлиги ташкил этилганлигига қарамай, транспорт тизимининг ривожланиши ва фаолият юритишини бошқаришда ҳанузгача мувофиқлаштириш ва тизимли комплекс ёндашув деярли мавжуд эмас. Мамлакат транспорт тизимининг зарурий яхлитлиги ва мувозанатини таъминлаш бўйича ташкилий, ҳудудий, иқтисодий институционал чоралар ва механизмлар етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Стратегия-35 доирасида ислохотни чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш соҳани монополиядан чиқариш ва транспорт хизматлари бозорида рақобатли муҳит ва муносабатларни шакллантириш, минтақаларда замонавий транспорт инфратузилмасини яратиш, шунингдек, транспорт паркини янгилашда моддий ёрдам бериш, пухта ривожланган транзит йўлакларни, логистика марказлари ва кластерларини шакллантириш ва ривожлантириш, соҳани илмий ва ўқув базасини яратишда давлатнинг роли ва жавобгарлигини кучайтириш бўйича аниқ ечимларни ўз ичига олмоғи лозим.

Соҳани тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси ўтиш даврининг дастлабки босқичида қабул қилинган. Ҳозирги кунда кўплаб қонун ҳужжатлари, уларни қайта-қайта тузатилишига қарамай, анчагина эскирган, халқаро меъёр ва стандартларга ҳамда логистика тамойиллари асосида шаклланаётган замонавий интеграция алоқаларнинг глобаллашув тенденциялари ва йўналишларига етарли даражада мос эмас. Транспорт хизматларининг амалдаги меъёрлари ва қоидалари бўйича бажарилаётган хизматларнинг сифати ва самарадорлиги минтақаларда экологик ва иқтисодий фаоллик кучайиши сабабли жамиятнинг кўп жихатдан қатъий талабларига тўла жавоб бермаяпти. Транспорт фаолиятининг оқибати натижасида пайдо бўлган экологик муаммолар, шаҳар йўлларидаги тирбандликлар, баъзи йўналишларда ташиш тарифларининг қимматлиги, имконияти чекланган йўловчи (ногирон)лар учун керакли шарт-шароитларни етарли эмаслиги ва ш.к. камчиликлар.

Транспорт тизимларининг технологик даражаси, уларнинг хавфсиз ишлаши учун халқаро стандартларда белгиланган регламент талабларини керакли даражада таъминламайди. Транспорт тармоқларини ривожлантиришида маълум минтақавий фарқлар мавжуд, бир қатор ХТЙларнинг ажралмас қисми бўлган автомобил йўлларнинг ҳолати ва ривожланиш суръатлари ўрнатилган стандартлар ва автомобиллаштиришни ўсишига мос келмайди. Мам-

лакатда темир йўл тармоғининг зичлиги оз, унинг атиги 12 фоизи икки йўналишли, минтақаларда муқобил йўналишлар етишмайди, ҳаракатланувчи паркни янгилаш суръатлари паст. Натижада темир йўл транспортининг маневрчанлиги ва рақобатдошлик қобилияти анча пасайган, айниқса, ташқи бозордаги юқори қўшилган қийматга эга бўлган транзит юкларни ташишдаги улушининг пастлиги ҳисобига, унинг ЯИМдаги ҳиссаси 1 фоиздан ошмаяпти.

Диссертациянинг **“Мамлакат транспорт тизимини барқарор ривожлантиришнинг йўналишларини асосланиши”** деб номланган тўртинчи бобида транспорт соҳасини барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларини танлашнинг асосий тамойиллари ва ёндашувлари билан бирга транспорт соҳасидаги давлат хусусий шерикчиликнинг (ДХШ) истиқболли томонларига қаратилган соҳани узоқ муддатда ривожлантиришнинг муқобил сценарийлари бўйича прогнозлар ишлаб чиқилган. Транспорт-логистика тизимини тартибга солишнинг институционал механизмларини тубдан такомиллаштириш бўйича зарур чора-тадбирларни кўриш асосланган.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳияти ўсиб бораётгани ва ички маҳсулот бозорларини кенгайтириш зарурати янада қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча фаол чора-тадбирларни талаб қилмоқда. Ташқи савдо йўллари янада диверсификациялаш учун мамлакат экспорт маҳсулотлари билан истиқболли халқаро бозорларга чиқишни таъминловчи муқобил транзит йўлакларини шакллантириш Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги юқорида қайд этилган ПФ-3422 сонли фармони билан яқин беш йиллик муддатда юк ташиш учун транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш бўйича комплекс дастурни амалга оширишни назарда тутди.

Диссертацияда келажакда транспорт инфратузилмаси тараққиётининг йўналишларини танлашда энг муҳим услубий тамойиллар ва концептуал ёндашувлар ишлаб чиқилган, транспортни тартибга солишнинг институционал механизмларини такомиллаштириш – унинг меъёрий-ҳуқуқий қоидаларини янги интеграцион алоқаларнинг глобаллашув тенденцияларини инобатга олган ҳолда, тубдан қайта кўриб чиқишни кўзда тутди. Диссертантнинг фикрига кўра, мамлакат транспорт логистикасининг янгилашган меъёрий ва ҳуқуқий базаси тўпламини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати мавжуд бўлиб, унда транспорт хизматлари бозори субъектлари ўртасидаги кўп қиррали транспорт-иқтисодий муносабатларида янги қоидалар тузилишининг асосий тамойиллари, барча умумий ва ноумумий фойдаланишдаги транспорт турларини, уларнинг мулкчилик мақомидан қатъий назар, бир хил тамойиллар ва ёндашувлар асосида шаклланиши ва тараққий этишини назарда тутмоғи лозим. Ушбу меъёрий тизим доирасида транспорт хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини тўла ҳимоя қилиш учун аниқроқ регламент қоидалари, ташувчиларга (уларнинг жавобгарликлари ва имтиёзлари), назорат қилувчи органлар, ш.ж. жамоат ташкилотлари, маҳаллий, минтақавий ва давлат ҳукуматининг тегишли органларига ташиш сифати ва самарадорлиги, унинг тўлаллиги ва ҳаммабплиги, транспортни қулайлиги, ишончилиги, техник ва экологик хавфсизлиги бўйича қўйиладиган конкрет ва қатъий талаблар-

ни белгилаш тартиби ўрнатилмоғи лозим. Бунда республика ва маҳаллий хокимиат органларининг, шу жумладан, соҳани тартибга солувчиларнинг ваколат ва мажбуриятлари чегараларининг ҳуқуқий томонлари, ташувчилар ва улар хизматларининг истеъмолчилари, ҳамда транспорт хизмати бозорини бошқа иштирокчиларининг ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатларини аниқ белгилаш талаб қилинади. Шунингдек, юк, йўловчилар, багаж, юкбагаж ва почта ташиш қоидаларини бузганлиги учун ҳам жавобгарликни ошириш талаб этилади. Транспорт ва логистика мутахассисларининг кенг доирасини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ТДТУ қошида Транспорт логистикаси илмий марказини ташкил этиш таклиф этилган.

Келажакда миллий ҳудудларда жойлашган транспорт тармоқларининг таянчли қисмини шакллантиришга дифференциал ёндашув таклиф қилинган. Бунда уларни жойлаштиришни экстерриториал хусусиятларига амал қилган ҳолда йирик транспорт тугунларни четлаб ўтиш билан транзит оқимини йўлакларнинг энг қисқа йўллари орқали ўтказишни таъминлашнинг устуворлиги асосида амалга оширилмоғи даркор.

Транспортни ривожлантиришни молиялаштиришнинг бутун тизимини тубдан яхшилашни қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўналишларда амалга ошириш мумкин: банк фоиз ставкаларининг бир қисмини давлат бюджетидан субсидиялаш, шунингдек, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун кредит ресурслари мавжудлигини ошириш; ички ва хорижий инвесторлар томонидан энг муҳим транспорт лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинган инвестициялар учун давлат кафолатларини тақдим этиш; ташиш харажатларни қоплаш мақсадида инфратузилмадан фойдалангани учун тўлов элементларини кенгайтириш; маблағ талаб қиладиган, шу жумладан, хорижий инвесторлар иштирокидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун замонавий корпоратив тузилмаларни ташкил этишга кўмаклашиш.

Диссертацияда давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги ҳамкорлик бўйича ривожланган давлатларнинг тажрибасини ўрганиш асосида транспорт соҳасида ДХШнинг бир неча устувор йўналишлари аниқланди: транспорт ҳаракатини ташкил этиш ва назорат қилиш учун рақамли технологияларни қўллаган ҳолда илғор автоматлаштириш ва телемеханика тизимларини жорий этиш; транзит темир йўл йўлаклари ва автойўл участкаларини янгилаш ва тиклаш асосида бу йўналишларда ташиш сифати ва тезлигини ошириш; темир йўл иншоотлари (станцион йўлларни узайтириш, икки йўналишли йўллар, кўприклар ва бошқалар)ни қуриш ҳисобига йўналишларда ҳаракатни ўтказувчанлигини ошириш; темир йўл линияларини электрификациялаш.

Муаллиф мамлакат темир йўлларини босқичма-босқич монополиядан чиқаришга қаратилган соҳани *қайта таркиблаш* зарурлиги ҳақидаги ғояни илгари сурди. Бу ерда бозор рақобат муҳитини яратиш ва ушбу соҳага хусусий сармояларни жалб қилишнинг асосий вазифалари – қонун ҳужжатларида кафолатланган темир йўл инфраструктураси тизимига мустақил юк ташувчи операторлар ва ҳаракатланувчи таркибдан фойдаланувчиларни, уларнинг ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича белгиланган талабларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда, беғараз киришини таъминлашдир.

Ташқи йўналишда айланаётган товарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш учун транспорт коммуникацияларини замон талабларига мос жиҳозлаш ва ривожлантириш билан бир қаторда, ХТЙ бўйлаб йирик транспорт узелларида замонавий логистика технологиялари асосида ишлайдиган ва барча транспорт турлари ва логистика занжирини бошқа иштирокчиларининг ўзаро алоқаларини мувофиқлаштиришни таъминлайдиган мултимодал логистика марказлари (МЛМ)ни яратиш биринчи даражадаги аҳамиятга эга. Ривожланган мамлакатларда замонавий МЛМ ва кластерларни шакллантириш иқтисодий ўсишнинг стратегик нуқталари сифатида қаралади.

Диссертацияда транспорт тизимининг ривожланишини башорат қилиш бўйича ишлаб чиқилган услубий ёндашувларга асосланиб, шахсий компьютерда регрессияларни ҳисоблаш ва прогнозлаш учун мўлжалланган Eviews дастури ёрдамида кўп факторли корреляцион-регрессия моделидан фойдаланиб, асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг юк ташишга таъсири ўрганиб чиқилди. Юқоридаги барча экзоген омиллардан энг катта боғлиқлик юк айланмаси ва аҳоли жон бошига ЯИМ ва ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари билан ифодаланган инвестициялар ўртасида аниқланди.


2000-2020 йилларда статистик маълумотлар асосида олиб борилган регрессия таҳлили қуйидаги боғлиқликни яратишга имкон берди:

$$GRUZOOB = 2,79GDP\_CAP\_TEMP + 0,22INVEST\_TEMP + 24,6 \quad (4.1)$$

(4,21)
(2,98)
(2,32)

(0,0006)
(0,0083)
(0,0329)

$R^2 = 0,61; DW = 1,69; F_R^2 = 13,73; P_F = 0,0002.$



7-расм. Юк айланмасининг ҳақиқий ва прогноз қилинган қийматлари<sup>26</sup>

Юқорда кўрсатилган барча ўзгарувчан экзоген параметрларнинг тахмин қилинган қийматлари асосида юк айланмаси ривожланишининг прогнози тузилди (7-расм). 2035 йилда мамлакатда юк айланмаси ҳажми, муаллиф ҳисоб-китобларига кўра, 122-141 млрд ткм ни ташкил қилади. Кузатув параметрлар сонини кўпайтириш учун макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси минтақалар шароитида кузатилди (2010-2020 йилларда 140 та кузатув). Авто-транспорт юк айланмасининг регрессиялари турли хил омиллар билан ҳисоблаб чиқилган бўлиб, улардан бир неча энг муҳим тенгламалар танланган. Натижада, пакетдаги энг кичик квадратлар усули билан икки омилли биринчи даражали автокорреляция модели AR (1) қуйидаги кўрсаткичлар билан танланди:

$$GRUZ = 0,09 INVEST\_TRANS + 0,01 RETAIL + 0,74AR(1) + 874,0 \quad (4.2)$$

(7,20)
(3,53)
(14,25)
(16,39)

<sup>26</sup>Муаллиф томонидан махсус эконометрик Eviews пакети ёрдамида ҳисобланган.

$$(0,0000) \quad (0,0006) \quad (0,0000) \quad (0,0000)$$

$$R^2 = 0,98; \quad DW = 2,03$$

Муаллифнинг шахсий иштирокида ўтказилган темир йўл корхоналарида юк ва йўловчилар ташиш ҳолатини кенг ўрганиш асосида «Oztemiryoʻl-yoʻlovchi» ва «Oʻztemiryoʻlkonteyner» АЖларининг 2020 йилгача бўлган давр учун стратегик режалари ишлаб чиқилган. Ушбу башорат услуги бўйича транспорт тизимининг 2035 йилгача даврда ривожлантириш прогнозлари икки сценарий вариантлар бўйича ишлаб чиқилди (6-жадвал<sup>27</sup>, 8-расм<sup>28</sup>).

6-жадвал

**Транспорт тизимининг ривожланиш сценарийлари прогнозлари**


Иқтисодий кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2019й.	2020й.	Сценарий вариантлар					
				Инерцион			Мўътадил-оптимистик		
				2025й.	2030й.	2035й.	2025й.	2030й.	2035й.
ЯИМни йиллик ўсиш суръати	%	5,6	1,7	5,0	6,0	6,5	6,0	6,8	7,5
ЯИМда улуши:	%	28,1	27,4	30	32	34	31	36	40
- саноат	%	26,9	27,1	26	25	24	24	22	20
- қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари	%	26,9	27,1	26	25	24	24	22	20
- хизмат кўрсатиш сфераси	%	38,7	38,8	36	36	36	37	36	35
ш.ж. ташиш ва сақлаш	%	6,1	5,5	6,0	6,0	6,1	6,0	5,9	5,8
Ташиш ва сақлаш сферасига инвестициялар (2019й.нархи)	трлн. сўм	14,0	14,1	35,5	110	330	36,2	116	405
Ташиш ва сақлаш сфераларида бандлик	минг киши	228.2	210.2	242	254	259	243	260	268
Транспортда йўловчилар ташиш ҳажми, жами	млн. киши	6109	5089	6691	8140	9945	6667	9220	11050
Транспортда йўловчи айланмаси, жами	млрд. пасс-км	140,1	118,3	153	182	224	158	188	226
Аҳолини транспортда ўртача ҳаракатчанлиги, киши	сафар	182	150	177	197	223	177	206	247
	пасс-км	4196	3462	4055	4412	5015	4187	4209	5060
Транспортда юк ташиш ҳажми, жами	млн.т	1320	1367	1392	1688	1984	1456	1732	2060
Юк айланмаси, жами	млрд. ткм	72,6	66,9	95	113	122	104	120	141
Иқтисодиётнинг транспорт юкламаси	пасс-км/яИМ(\$US)	2,42	2,01	2,09	1,90	1,72	1,93	1,81	1,41
	ткм/яИМ(\$US)	1,26	1,14	1,30	1,18	0,94	1,27	1,15	0,88

Инерцион вариантга биноан транспорт соҳасини молиялаштириш ҳажми ЯИМнинг 2-2,5 фоизидан ошмайди ва қуйидагиларни назарда тутди: биринчи навбатда транспорт инфратузилмасининг муҳим объектларини реконструкция қилиш ва қуриш; транспорт тизимлари фаолиятининг хавфсиз-

<sup>27</sup> Муаллиф томонидан ЎЗР Статистика қўмитаси маълумотлари асосида пандемия Covid-19 таъсирини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган. <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika>

<sup>28</sup> Муаллиф томонидан тадқиқот асосида ишлаб чиқилган.

лигини, шунингдек, транспорт паркини модернизация қилиш ва янгилашни кафолатловчи объектларни ривожлантириш; ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ташишларни амалга ошириш учун субсидиялар бериш. Ушбу ноқулай ривож-



**8-расм. 2035 йилгача даврда транспорт хизмати бозори таркибининг динамикаси**

ланиш сценарийда, яқин келажакда халқаро ва ички алоқаларга ташиш хизматини кўрсатиш имконияти ва транспорт ҳаракатларини чеклаш муаммолари пайдо бўлиши мумкин.

Мўътадил-оптимистик сценарий ташқи ва ички омилларнинг янада қулай комбинациясига асосланган ва яқин келажакда ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш суръатларига (6 - 6,2% миқдорда) эришиш мумкин, кейинчалик инвестицияларни фаоллаштириш билан уларни ошириш аҳолининг реал даромадларини янада тез ўсишини таъминлайди. “Кенгайтирилган диверсификация сценарийси”ни сафарбар этиш мамлакатдаги инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш асосида амалга оширилади. 2025 йилга келиб, транспорт секторининг асосий капиталдаги улуши 3-3,5 баравар, узоқ келажакда (2035 й.) 10 - 11 бараваргача ўсиши, яъни йилига 4,5 - 5 млрд USD миқдорда бўлиши керак бўлади. Интеграция жараёнларида мамлакатни ЕОИХ ва ЖСТга қулай шароитларда кириши унинг макроиктисодий кўрсаткичлари динамикасида иқтисодий ўсиши, юк ва йўловчиларни ташиш бозорларининг таркиби ва параметрларини белгилайди.

Диссертацияда ишлаб чиқилиши тақлиф этилган “Бошсхема-2050” доирасида 2035 йилгача бўлган даврда транспорт тармоқларида амалга оширилдиган энг муҳим инвестицион лойиҳалар рўйхати берилган (дисс.2-илова). Уларнинг ичида қуйидагиларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

Буюк Ипак йўлининг **Урумчи (ХХР) – Қашғар – Ўш – Асака – Поп – Охангарон – Пахтакор – Конимех – Азанир – Мискин** (кейин Оқтау портидан (ҚР) Эрон, Туркия орқали Европага ўтиш) бўйича янги темир йўл йўлак барпо этилса (дисс. илова 2, расм П2.1), транзит ташишларнинг умумий масофаси мавжуд йўналишларга қараганда қуйидагича қисқароқ бўлади: Урумчи – Хоргос – Алмата – Чуқурсой – Мискин йўналишидан – **330** км га; Урумчи – Қашғар – Ўш – Андижон 2 – Поп – Тошкент – Мискин йўналишига нисбатан – **350** км га; Урумчи – Қашғар – Ўш – Андижон 1 – Хўжанд (Тожикистон) – Ховос – Мискин йўлагидан – **40** км га. Ташиш харажатларининг камлиги мамлакатнинг рақобат устунлигини оширади, транзит ташишдан тушадиган даромадлар 2,5-3 мартага кўпаяди. Янги йўлакда Андижон, Наманган, Тошкент, Гулистон, Жиззах, Самарқанд, Бухоро ва Навои транспорт тугунларини четлаб ўтиш йирик миқдорда иқтисодий ва ижтимоий самара беради.

Марказий Осиё давлатларини Эрон, Покистон, Ҳиндистон ва бошқа Жанубий Осиё давлатлари билан ташқи иқтисодий алоқаларини истиқболли ривожлантиришда Трансафғон йўналиши бўйича Хайратон – Қобул – Пешовар ва Мазори Шариф – Хирот темир йўл қурилиши лойиҳаларини амалга ошириш, келажакда уларга Ҳинд океани денгиз портларига чиқишда ва ташқи фаолиятдан катта миқдорда қўшимча даромад топишда муҳим аҳамият касб этади.

Яқин келажакда Тошкент, Наманган, Самарқанд, Андижон ва бошқа йирик шаҳарларнинг транспорт тугунларига кириб боришдаги муаммоларни ечиш учун пуллик ерусти тезюар автотўлларни ДХШ шаклида қурилиши иқтисодий ва экологик нуқтаи назардан алоҳида аҳамиятга эга.

Келажакда юқори тезликда ҳаракатланувчи тезюар темир йўл поездлар, автобус ва авиамаршрутларни ички ва ташқи йўналишларда кенгайтириш, метрополитенни Тошкент шаҳрида ва узоқ келажакда Самарқанд, Наманган, Андижон, Фарғона-Марғилонда ҳамда трамвай-троллейбус ва электромо-



биллар ҳаракатини ўрта ва йирик шаҳарларда жадал ривожлантириш анча бой экологик, иқтисодий ва ижтимоий самарага эга.

Диссертацияда транспорт комплексини илмий жиҳатдан таъминлашни мақсадли комплекс дастур “TransITD-35”ни беш блокли илмий-техник муаммолар бўйича амалга ошириш таклиф этилган:

I. Транспортда бозор муносабатларини ривожлантириш стратегияси;

II. Транспорт соҳасида илмий-техник ва инновацион сиёсат;

III. Транспортда қайта таркибланиш ва хизматлар бозорини тартибга солишнинг институционал механизмлари;

IV. Ўзбекистонни жаҳон транспорт коммуникацияларига интеграциялашувини кенгайтириш ва чуқурлаштириш;

V. Транспортда ижтимоий сиёсат ва персонални бошқариш.

Мазкур дастур доирасида транспорт-логистика инфратузилмасини узоқ келажакда ривожлантиришнинг энг долзарб макрологистик муаммолар каторида қуйидаги тадқиқот йўналишлари белгиланган:

Ўзбекистон транспорт коммуникациялари: Ривожлантириш ва модернизациялаш устуворлари Бош схемасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш (Бошсхема-2050);

Юк ва йўловчи ташиш учун энергия истеъмоли ва экологик параметрлари яхшиланган янги турдаги транспорт ва илғор ташиш технологияларини ишлаб чиқиш (Инновацион Транспорт-50);

Ташқи савдо тизимидаги тобора ўсиб бораётган асосий контейнер оқимларини логистик тизим асосида ташишни шакллантириш ва ривожлантириш («Интеграция-50»);

Узоқ келажакда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида темир йўлларда тезювар йўловчи поездлар ҳаракатини ташкил этиш Концепциясини ишлаб чиқиш («Тезювар ҳаракат ТҲ-50»);

Яқин ва узоқ келажакда Тошкент-Андижон ва Тошкент-Самарқанд ва бошқа йўналишларда ДХШ шаклида пуллик тезювар йўл ҳаракатини барпо этиш ҳамда Тошкент, Наманган, Самарқанд, Андижон транспорт тугунларига кириб боришда тезювар ерусти йўлларни қуриш («Тезювар йўллар-50»);

Ташиш жараёнини ахборотлар билан таъминлашни такомиллаштириш («Инфотранс-50»);

Транспорт объектларини экологик ва техник хавфсизлигини белгиловчи (халқаро техник регламентлар доирасига кирмаган) кўрсаткичларга миллий стандартларда қўйиладиган талаблар мажмуасини ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш («Сертификация-35»);

Транспорт ҳаракатини автоматлашган бошқарув тизими («АСУТРАНС-2050»);

Транспорт сферасида ижтимоий сиёсат ва инсон ресурсларини бошқариш («Инсон ресурслари-50»).

Транспорт комплексини илмий ва меъёрий лойиҳа базасини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги қошидаги Транспорт ва логистикани муаммоларини ўрганиш маркази негизида Ўзбекистон Транспорт илмий-тадқиқот институтини (“O‘zTransIT”) ва

«Boshtransloyiha» АЖ ва «Toshtemiryo‘loyiha» МЧЖ негизида Транспорт илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти (АЖ “O‘zTransLITI”) ни ташкил этиш таклиф этилган.

## ХУЛОСА

Диссертацияда муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига эга бўлган йирик илмий муаммо – Ўзбекистон транспорт тизимини ривожлантиришнинг макроиқтисодий жиҳатлари назарий томондан умумлаштирилиб, уларнинг қуйидаги амалий ечимлари таклиф этилган:

1. Транспорт омилини стабил иқтисодий ўсишга таъсирини баҳолаш бўйича дунё илмий мактабининг фикрлари ўрганилган, мамлакат транспорт инфра-тузилмасини узоқ келажакда барқарор ривожлантириш йўналишларини танлаш тамойиллари ва ёндашувлари асосланган.

2. Рақобатли транспорт сиёсатини ишлаб чиқиш учун хорижий (Европа Иттифоқи Иқтисодий Комиссияси, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси) ва бошқа давлатлар қабул қилган транспорт тараққиётининг истиқболли дастурларининг услубий ёндашувларидан фойдаланган ҳолда мамлакат транспорт тизимининг ривожланишини стратегик режалаштириш тамойиллари ва концептуал асослари ишлаб чиқилган.

